

«OVOZA» кутубхонаси

Ҳошим ҚОСИМ

ЮРАКДАГИ ИСМ

Шеърлар,
новеллалар

«Ҳаёт»

Андижон - 2005 йил



Ю 31482
092

Хошим Қосим (Мадраимов) шеър ва ҳикоялари 1958 йилдан Фарғона вилояти ва туманларида чиқадиган «Фарғона ҳақиқати», «Олга», «Кўқон садоси» газеталарида ёритилган.

Шеър ёзиш сирларини шоир Чархий, Аҳмаджон Олимов, Анвар Юнуслардан ўрганди.

2001 йилда «Сени излаб» шеърый тўплами нашр этилган.

«Юракдаги исм» китобчасига унинг кейинги йилларда ёзилган Ватан, муҳаббат, дўстлик, яхшилик мавзудаги шеърлари, новеллалари киритилган.

ХГ-КХ 16-20-05 ША
03-05-05

Х. Қосим. «Юракдаги исм». Шеърлар.

© 2005
Аншлер Назор
nomidagi
O'zbekiston MI

20.05-
5369
А

но

ЎЗБЕКИСТОН

Гулгун яшнаб бу боғ аро,
Камол топади ниҳоллар.
Кенг борлиққа нурын тараб,
Кулиб боқар шамс, ҳилоллар.
Ўзбекистон - она бағир,
Бизлар яшаймиз бахтиёр.
Муҳаббат жўш урар танда,
Айтинг, бундай юрт қайда бор!

ЮРАКДАГИ ИСМ

Кўрдим сени, оҳ, Латофат,
Дилни ишққа чоғлабсан.
Билиб-билмай ёш қалбимга,
Севги ипин боғлабсан.

Кўзларингнинг туб-тубига,
Сингиб кетарми жисмим?
Севолмасанг, унда нега -
Юракка ёздинг исминг?!

ГУЛДАСТА

Гулдаста тутиб қўлда, келардинг ошиқиб йўлда,
Пешвоз чиқиб хузурингга, сўрадим «Бу гул

кимга?»

Чарос кўзингни чақнатиб табассум-ла гулга
боқдинг,
«Чин ошиқ сўрмас» деб сўз қотиб, дилда ишқ
ўтин ёқдинг.

ГУМОН ҚИЛМА

Севишганлар бахтиёр, ҳавас билан боғ кезар,
Ёр боққанда жилмайиб, севгиси гунча ёзар.
...Севсанг мени агарда, сўзимни қаттиқ олма,
Севгимнинг рамзи шу гул, бағрингга босгин,
ол, ма.

ЁРИМ МЕНИ

Ташлаб кетди у бевафо ёрим мени
Ҳажр ўти бирла қолди зорим мени.
Неча кунки излаб уни девонаман,
Ҳижронларда куйиб битди борим мени.
Чорасизман, дард, қайғумдир - аччиқ шароб,
Ҳижрон найин куйларидан бағрим кабоб,
Осмонларда, юлдуздами, ул моҳитоб,
Иши бўлмас, не кечади ҳолим менинг?!
Билмам, бу кун хандон кулиб ағёрларга,
Озор қўшар дилимдаги озорларга.
Боқмай атай Ҳошимийдай бу зорларга,
Жафо айлаб, синдирди дил торим менинг.

НЕЧУН?

Дилдаги севгингни, ёр, яширарсан нечун?
Хижрон азобин чандон оширарсан нечун?

Агёрларга пинҳона табассум қилиб ҳар он,
Рашким қўзғатиб, сабрим тоширарсан нечун?

Пинҳон тутсанг-да, севгинг турар кўзда барқ
уриб,
Бепарво ўтиб, дилга тиғ урарсан нечун?

Учрашиб қолсак гоҳо юзларинг мисли лола,
Билмам, бу ишқ чинми деб, хаёл сурарсан нечун?

Ҳошиминг қилмоққа тайёр кокилинг бўйнига дор,
Кўйингда ёнган бу жонни ёндирарсан нечун?

ЎРГИЛАЙ

Латофатли мафтункор кўзингдан ўргилай,
Ошиқ дилимга дармон сўзингдан ўргилай.
Нурли табассумингга бу жоним садқадир,
Қиё боқиб қилган нозингдан ўргилай.
Қуёшдек хуснингга боқмасин бегона,
Оҳ, ойдек дилбарим -юлдузга дугона,
Висолинг соғиниб куйлайман мен ёна,

Юракка нақш солган изингдан ўргилай.
Билмайсан, ўзингдир гулларнинг сараси,
Хув баланд тоғларнинг қора кўз лоласи,
Рашкимни кўзғатар тегса гар шўх насим,
Чўққига чорлаган розингдан ўргилай.
Аtring-ла хушбўйдир юртимнинг боғлари,
Сен билан умримнинг энг гўзал чоғлари,
Вафо қил, ювилсин Ҳошим дил доғлари,
Нур сочган тақдир юлдузингдан ўргилай.

БОҚҚИЛ КЎЗИМГА

Ишқингда гирёнаман, боққил кўзимга,
Дил дардим ёлғонмас, ишон сўзимга.
Жабрингдан чиқса - бахт тандан бу жоним,
Дилингда не бўлса, айтгил ўзимга.
Ноз бирла фироқинг бисёр бунчалар,
Минг жоним садқадир босган изингга.
Раҳм айлаб, дилбарим, бир бор қараб қўй,
Суратинг акс этган нурли кўзимга,
Хаёлим олмишдир анбар кокилинг,
Қалбимни чим чотир боғлаб ўзингга.
Ўйнатар юракни лутфу караминг,
Ўзимни йўқотгум боқсам юзингга.
Ошиқ Ҳошим дили васлингга ташна,
Қўлинг бер, гўзалим, зорман розингга,

ГУНОҲИМ НИМА?

Севаман дедим сени, ёрим, гуноҳим нима?
Кечалар зор айладинг, моҳим, гуноҳим нима?
Аҳду паймон шулмиди, учдими мисли шамол,
Ўзгадир энди лутфинг, айтгил, гуноҳим нима?
Ишқ аро сен шоҳ эрусан, мен эсам мискин
гадо,
Бу чаманда бир ғарибни қутласа шоҳим,
нима?
Гар кўнгилга севги меҳмон эрса, у шоҳонадир,
Ул шоҳона бахтга яккаш етса гар Ҳошим,
нима?

УНУТДИ

Не қилай, севган ёрим буткул унутди,
Вафо истаб дилгинам, уни зор кутди.
Оҳу фиғоним етиб боргай арзу самога,
Қаро кўзлим бераҳм йўлини тутди.
Нетай, хижрон азоби қийнар ошиқ юрагим,
Ўртаб куйлаган созим - эзгу тилагим,
Жафокаш ситамкорим айламас раҳм,
Ишқ аро Ҳошим гадодек ўтди.



АЙЛАДИМ

Мансабдан ҳаволаниб умримни хазон
айладим,
Кимлигимни ўйламай ўзлимни тўзон айладим.
Бойлигу давлат ишқида бир чирмовуқ ўт
мисол,
Ўзгаларни кўзга илмай юзимни сомон айладим.
Кибрдан қанот боғлаб гоҳи фалакка
учибман,
Мақтову дунё учун ҳам дўсту ёрдин
кечибман,
Мансабни пеша айлаб сароб уммонин
кечибман,
Беш кунлик ҳаловат деб ақл либосин ечибман,
Иймону эътиқодим, бахтимни арзон айладим.
Номуносиб ишу ўйлар бўлди умримга ёр,
Неча мўмин дўсту ёрон тил захридан топди
озор,
Охир армон бўлди Хошим кўнглига мунис
баҳор,
Не қилайки, бу юракни армонга ошён айладим.

БЎЛИБМАН

Ох, қайданам сен гўзал қизга шайдо бўлибман,
Ўзни билмай бу янглиғ шўхи гадо бўлибман.

Тонгла бир бор назар сол, эй ситамкор
дилбарим,
Ишқ даштида адашиб, тамом адо бўлибман.
Хумор кўзинг жодуси, мушки анбар кокилинг,
Чирмаб боримни ўтдек, ёниб фидо бўлибман.
Нуқтадек қаро холинг кўнглимни этиб банди,
Нетай, ақлу хушимдан тамом жудо бўлибман.
Васлинг ўтида жоним, куйиб кул бўлсам не тонг,
Интизор йиғловчи дил, дардли садо бўлибман.
Айб эмас, кўйингда гар ёнсам парвонадек,
На қилай, қалби ярою қадди дуто бўлибман.
Умидим - уйғонурсан гафлат уйқусидин, ёр,
Қўлларин чўзгувчи кўкка илтижо бўлибман.
Бил, санам, мангуга севгай, ёлғиз Ҳошим сени,
Жонимга сен бир жафо-ю мен бир вафо
бўлибман.

ХАЛҚ ЙЎЛИДА

-Югуриб чиқдим йўлингга,
Қарамай кетдинг сўлингга.
Отам сенга бермайди,
Ишонма алак тўнингга.

-Қора қош, қайрилма қош,
Қошингга бир оз боқайин.
Чақмоқи телпак кийиб,
Қалбингга ўтлар ёқайин.

-Ишқми у ловуллаган,
Жисмим ўтиндай ёнади.
Бу кўнгил бўлса омон,
Дилда шеър уйғонади.

НЕТАР?

Зим-зиё кечадир сенсиз бу олам,
Кулфатдир - севинчим, дарддир қувонч ҳам.
Ҳажринг тутунидан кўзларимда нам,
Не бўлар бир қиё боқсанг, Латофат.
Нигоҳинг дардимга ором бахш этар,
Табассум қилсанг гао бир бора, нетар?
Ишқим боғидан гул термасанг агар,
Дунёдан Ҳошиминг зор йиғлаб ўтар.

ЙИҒЛАЙДИР

Мактубимни ўқибон ул ёр йиғлайдир,
Севгисига бир вафо деб зор йиғлайдир.
Доғи хижрон ўтида жондин кечиб,
Кўриниб олам анга чун тор, йиғлайдир.
Бергайму деб чархи дун бир рўшнолик,
Қисматидан арз этиб минг бор йиғлайдир.
Икки нарғиз-шаҳлосидан инжулар тўкиб,
Ишқ аро бўлдимми деб, мен хор, йиғлайдир.

Кошки келса Ҳошими ҳолин сўраб,
Зору гирён, тунлари бедор йиғлайдир.

БИҲИШТДАН ДАРАК

*Баъзи манбаларда айтилишича
Бештерак қишлоғининг асл номи
«Биҳишдан дарак» экан.*

Қишлоғим оқшомлари,
Тонг саҳар илҳомлари,
Боғлари, ишқомлари,
Бергай биҳишдан дарак.
Бештерак деманг уни,
Чуқурроқдир мазмуни,
Китобларда талқини,
Бергай биҳишдан дарак.
Паримисол қизлари,
Ойдек оппоқ юзлари,
Дилрабодир ўзлари,
Бергай биҳишдан дарак.
Бинолари сервиқор,
Қад тиклагандир қатор,
Уйнаб оқади анҳор,
Бергай биҳишдан дарак.
Меҳмонга берар тўрин,
Бағишлаб кўнгил кўрин,
Ёмонга йўқдир ўрин,
Бергай биҳишдан дарак.

Одамлари кўп доно,
Сўзларида минг маъно,
Хошим айтар дўстона:
Бергай биҳиштдин дарак.



Новеллалар

ЗИЙРАК (Воқеий)

Назаримда, унга муносиб ном қўйган эдик: Зийрак. У бизнинг оиламиз аъзосига айланиб кетган эди. Ҳаммамиз бирдек унга ўрганиб қолгандик. Мен учун яна бир қадрли томони шунда эдики, мурғаккина кучукчани дадам раҳматлик тўнининг этақларига солиб, меҳр билан кўчадан кўтариб келган эди.

Катта Фарғона канали қурилишидан қайтаётган пайтлари экан. Бир жойда очликдан ўлар ҳолатига келган ҳолсизгина кучукчага кўзи тушибди. Кимдир ташлаб кетган бўлса керак. Дадамнинг раҳми келиб, уни ўзлари билан олиб келаверибдилар. Биз унга келиши биланоқ меҳр кўрсата бошладик. Онам овқат тайёрлаб едиришга киришди. Мен тандир

остига поҳол тўшаб жой ҳозирладим.

Кун ўтган сайин кучукча оёққа туриб, ўзига кела бошлади. Тез орада у ёқдан бу ёққа чопиб ўйнайдиган, оёқларим остида думалаб, ҳар хил томошалар кўрсатадиган бўлди. Зийрак ўзининг қоровуллик вазифасини сидқидилдан бажарарди. Дарвозадан кириб келган ҳар бир кишига албатта «муносабат» билдирарди.

У ўз номи билан Зийрак эди. Уйимизда қандай ўзгариш ёки янгилик бўлса, сезгандек бўларди. Уруш, қийинчилик йиллари. Баъзан хонадонимизда қозон қайнамаган кунлар бўларди. Ўшандай пайтларда онам бечоранинг тушкун ҳолатини сўз билан таърифлай олмайман. Мана шунақа кунларнинг бирида Зийрак туйқусдан йўқолиб қолди. Уни изламаган жойимиз қолмади. Мен уни «нима қилса ҳам итда, бизни ташлаб кетди, номард» дея ўйлادим. Умидни уздик.

Лекин бир кун чорбоғ томондан жиққа ҳўл ҳолда Зийрак кириб келди. У оғзида 1,5 килоча келадиган тирик балиқни тишлаб олган. Айбдорларча шумшайиб онамизнинг оёқлари остига ўлжасини ташлади. Кўзларимиздан ёш чиқиб кетди.

Эҳтимол, бу бир тасодифдир. Лекин унинг яна бир қилган иши бутун қишлоқни танг қол-

дирди. Қўшнимизникида катта тўй бўлди. Атрофдан ном таратган санъаткорларни чорлаб базм уюштирилди. У пайтлар электр ёритқичлар йўқ. Базм бўладиган майдонга эски латтапутталардан ўраб, керосин шимдирилган каттакон машъала ёқиб, илиб қўйиларди. Атрофида доира шаклида тўпланган тумонот ўртасида ҳосил бўлган майдончада ким ўзар қўшиқ беллашувлари, аскияю томошалар бўларди. Ҳамма қатори биз ҳам томошага чиқдик. Базм роса қизиган пайтда Зийракнинг безовта алкиллагани эшитилди. Шошиб уйимизга чиқдик. Зийрак онамнинг этагидан тишлаб уйимиз томон судрай бошлади. Бизнинг бораётганимизни сезиб, бир оқ ятаклик киши уйдан чиқди-да, ура қочиб қолди. Онам «вой-дод, ўғри...» дея бақириб юборди. Қарасак, таҳмонлар сочилган, сандиқ очик. Синглимнинг тўйи учун йиққан сеплар йўқ эди.

Онам йиғлай бошлади. Мени чексиз ғазаб чулғади. Шу пайтда Зийрак томнинг кетига ўтиб, сеплар тугилган тугунчани судраб кирди. Бу хурсандчиликни энди тасаввур қилаверинг. Мана шунақа зийрак эди бизнинг Зийрагимиз.

Бир кун Зийрак чинакамига йўқолиб қолди. Бир кун қидирдик, йўқ. Икки кун қидирдик, йўқ. Бир неча кун ўтди. Энди ундан бутунлай ажраганимизни сездим. Кунларнинг бирида уни

қишлоқ четидаги суви қуриган ариқ ичида ўлиб ётганини айтишди. Дарров етиб бордим. Дарҳақиқат, шундай бўлиб чиқди. Энг қадрдонимдан ажрагандек ачиндим. Уни ҳамқишлоғимиз Исоқ сартарош кетмон билан уриб ўлдирган экан. Исоқ сартарошга нисбатан дилимда чексиз ғазаб ва нафрат уйғонди. Аммо ёш бола бўлганлигимдан қўлимдан ҳеч нарса келмади.

Ҳеч бир ёмонлик жазосиз қолмас экан. Сартарош... бир умр «оқ» ўтди.

«ҲАМРОҲЛАР»



«Математикадан кириш имтиҳони топширишга келган 3,4,5 - гуруҳ абитуриентлари 48- хонага киришсин». Институт ҳовлисига ўрнатилган катта репродуктор орқали янграган бу овоз барчани ҳушёр торттирди. Кўпчилик ичида урилиб- сурилиб Иқбол ҳам эълон қилинган хонага бориб, ўз жойига ўтирди.

Одам кўп бўлишига қарамай, зал жимжит. Барча бир нуқтага тикилган, навбатдаги «команда»ни диққат билан кутишмоқда. Шу пайт залга қорни осилган, на кийими, на галстуғи ўзига ярашган, ёши ўтинқираган, тепа-

кал киши ёшгина, хушбичим қизни бошлаб кирди. Ҳамма ўрнидан турди. «Ўтирилсин» ишораси бўлгандан сўнг, тепакал гап бошлади (у институт декани экан).

-Зухраҳон Алиева ҳозир сизлардан кириш имтиҳонини қабул қилади. Имтиҳон математикадан ёзма. Шпаргалкадан фойдаланиш, бири-бири билан маслаҳатлашиш ёки кўчириш қатъиян тақиқланади. Акс ҳолда...

Деканнинг сўнгги сўзлари унга эшитиларди-ю маъносини сира англамасди. Имтиҳон оловчи залга тикилган сари Иқбол ерга сингиб борарди. Сичқоннинг ини минг танга. Бу - аниқ. Лекин қани ўша. Иқбол ўзини кўйгани жой тополмасди.

Иқбол машинасини миниб кўчага чиққанда автобус тўхташ жойида ўн йил бирга ўқиган ўртоғи Азимжон бир нотаниш қиз билан турарди. Қизча кийиниши ва сийратига қараганда шаҳарликка ўхшарди. Иқбол машинани уларнинг олдида тўхтатди.

-Шаҳарга бормоқчи бўлсанг, чиқ- деди у ўртоғига.

-Пулинг керак эмас, бирор кун ресторанга олиб тушарсан. У Азимжонга гапираётган бўлса ҳам кўзини нотаниш қиздан узолмасди.

Аслида Азимжон уни шилқимлиги, мақтанчоқлиги учун хуш кўрмасди. Аммо автобус

кетиб қолган, меҳмонни жўнатиб юбориш эса зарур. Шунинг учун гапиришга мажбур бўлди.

-Раҳмат, дўстим, менинг шаҳарга борадиган ишим йўқ. Аммо мана шу меҳмонни жўнатиб юборишим керак. Ҳафа қилмасдан олиб бориб қўярсан...?

-Астаффурулло де, Азимжон, наҳотки менинг омонатга ҳиёнат қилмаслигимни билмасанг?! Сўнг меҳмонга қараб «ўтиринг, синглим» деди-да, олди эшикни очди.

-Сиз Азим акангизнинг гапига ишонманг, менинг тишлайдиган одатим йўқ, - деди.

Қиз машинага ўтирар экан, мийиғида кулиб қўйди. Машина бир силкиндию, текис асфальт йўлдан юриб, тезлигини оширди.

- Энди танишиб олсак бўладими? - деди Иқбол қошини кериб, - икки соатлик йўл, зерикиб қолмайлик. Менинг исмим Иқболжон, лақабимни айтиш шартмасдир?

- Мен Зухраман.

- О, қандай чиройли, қани энди шу Зухронинг Тоҳири мен бўлсам. Амаллари нима бўлади?

- Амалим йўқ, ўқитувчилик қиламан.

- Музикани севасизми, - деди Иқбол прёмник мурватини бурар экан, - ростини айтсам, менинг музикага тоқатим йўқ. Эшитдим дегунча уйқум келиб, кўзиммас, қулоқларимгача юмилиб кетади.

Иқболнинг алмойи - алжойи сўзларини ҳазилга йўйган ҳамроҳи завқ билан кулди.

-Бу, ўзларининг амаллари билан таниш-тирмадилар?

-Менми? Мен колхозда ҳосилотман. Қишлоқ хўжалиги институтини битирганман, яқинда диссертация ёқламоқчиман. Ҳамма нарсам етарли, мана тагимда машина, ўзимга яраша обрўйим бор. Аммо бир нарсага етинолмай турибман. Сизга ўхшаган битта ақлли ва чиройли ҳамроҳим йўқ. Ўшанчун «ёрга етар кун борми, ёронлар» деб юрибмизда, энди.

Иқболжон ўзини даҳо кўрсатиб битта «олиб қочган» эди, шаҳарга етганларини билмай қолишди. Зухрани «керакмас» деганига қарамасдан, уйигача кузатиб қўйди. Унга сездирмасдан уй ва хонадон рақамларига разм ҳам солишга улгурди.


Шундан сўнг кириш имтиҳони топшириш учун тайёгарлик кўраётган шерикларини излаб кетди.

Зухра Алиева аудиторияда ўтирган абитуриентларни бир-бир кузатар экан, беҳосдан кечаги ҳамроҳига кўзи тушди-ю, унга ҳайрат билан тикилди. Бу Иқболни ер билан яксон қилди. Ҳозир унда на гапиришга тил, на ўрнидан туриб чиқиб кетишга мажол бор эди!

МУНДАРИЖА

Шеърлар

Ўзбекистон	3
Юракдаги исм.....	3
Гулдаста.....	3
Гумон қилма	4
Ёрим мени	4
Ўргулай	5
Нечун?.....	5
Бокқил кўзимга	6
Гуноҳим нима?	7
Унутди	7
Айладим	8
Бўлибман	8
Халқ йўлида	9
Нетар?	10
Йиглайдир	10
Бихшитдан дарак	11
<i>Новеллалар</i>	
Зийрак	12
Ҳамроҳлар	15



Адабий - бадиий нашр

ҲОШИМ ҚОСИМ

«Юракдаги исм».

Шеърлар ва новеллалар

Муҳаррир:

П. Абдулла

Расм муҳаррири:

Р. Эргашева

Техник муҳаррир:

Ҳ. Ҳусанов

Мусахҳиҳ:

М. Усмон

Босишга 5.05.2005 йилда рухсат этилди

Бичими А6. Ҳажми 0,75 б/т.

Буюртма № 782. Адади 1000 нусха

Баҳоси келишилган нархда

«Овоза» газетаси компьютер марказида
териб, саҳифаланди.

«Андижон нашриёт-матбаа» ОАЖ
босмаҳонасида босилди.